SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2006-yil • 4-iyul • Seshanba • 75 (27.567) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

● Муносабат

## ҲУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»**ги Фармони мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотларини либераллаштиришни янги юқори босқичга олиб чиқди.

Мазкур қадам — қилинган жиноят учун, жазо тури сифатида, ўлим жазосини бекор қилиш — амалдаги қонунчилик тегишли меъёрларини оддийгина тузатишни эмас, кенг қўламдаги вазифаларни амалга оширишни тақозо этади. Масалан, ўтган давр ичида бу борадаги жамоатчилик фикри ўрганилди, аҳоли турли қатламлари вакиллари, профессионал ҳуқуқшуносларнинг бу масаладаги нуқтаи назари жамланди. Бу мавзу юзасидан кўплаб тадбирлар: семинарлар, конференциялар, давра суҳбатлари ўтказилди. Бир сўз билан айтганда, халқимиз ўлим жазосини бекор қилиш бўйича бошланган саъй-ҳаракатни юксак инсонпарварлик белгиси сифатида баҳоламоқда, халқаро жамоатчилик ҳам суд-ҳуқуқ соҳасидаги бу ўзгаришларга юксак баҳо беряпти.

Дарҳақиқат, инсонни жисмоний маҳв қилишга қаратилган, унинг яшаш ҳуқуқини инкор этувчи бу жазо турининг қонунчилигимиз мажмуидан батамом чиқариб ташланиши улкан воқеадир. Яъни, инсоннинг яшаш ҳуқуқидан маҳрум қилишга ҳеч ким ҳақли эмас. Инсон бу ҳуқуқга, тўғрироғи, ҳаққа туғилган заҳоти эга бўлади. Уни бу ҳақдан маҳрум қилиш адолатсизлик ҳисобланади.

Яқинда матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг **«Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан қабул қилиниши лозим бўлган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги Фармойишининг эълон қилиниши бу ишнинг олдинги босқичларида билдирилган таклифларни тартибга солиш ва умумлаштириш учун аниқ механизмни яратишга хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Фармойишда бир ой муддатда юқоридаги Фармон қоидаларини амалга оширишни таъминлайдиган қонунлар жадвалини ишлаб чиқиш ва барча тайёрланадиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини йил охиригача Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилиши кўзда тутилган.

Бир қараганда, бу вазифаларни бажариш унчалик мушкул туюлмаслиги мумкин. Лекин у Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ўлим жазосини жиноий жазолар тизимидан чиқариб ташлаш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни тайёрлаш чоғида «умрбод қамоқ жазоси» ва «узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш» каби янгидан жорий этиладиган жазо турлари тушунчаси, шунингдек, бундай жазо турлари учун тайинланиши назарда тутиладиган жиноятлар таркибини аниқлашни тақозо қилади.

Демак, уларни маромига етказишда, ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги Фармон принципиал қоидаларининг тегишли қонунларда ўз ифодасини топишида мутахассисларнинг, хусусан, парламент қуйи палатасининг алоҳида, масъулиятли ўрни бор. Қолаверса, сиёсий партиялар фракциялари ҳам бу масалага жиддий ёндашишлари лозим бўлади.

Фракциямиз бу ишда фаол иштирок этишни мўлжаллаган. Бунда ҳар бир қонун лойиҳаси бўйича жамоатчилик, эксперт ва мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари ҳисобга олинади. Чунки ўлим жазосини бекор қилиш билан боғлиқ қонунлар чуқур ўйланган, профессионал даражада тайёрланган бўлмоғи лозим, деб ҳисоблаймиз.

**Фахриддин РАЖАБОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,**
**ЎзХДП фракцияси аъзоси**



## ҲАЯЖОНЛИ ВА ҚУВОНЧЛИ ДАМЛАР

Пойтахтимиздаги II юридик коллежини бу йил саккиз юз нафардан зиёд йигит-қиз ҳуқуқшунослик, хўжаликнинг ҳуқуқий фаолияти, ҳуқуқ ва ижтимоий муҳофаза, ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолияти каби йўналишлар бўйича тамомламоқда.

Таъкидлаш жоизки, жамоат ишларида фаол иштирок этиб, ўқишни аъло баҳоларга битираётган 33 нафар йигит-қиз имтиёзли дипломга муносиб топилди. Куни кеча коллежда битирувчиларга тантанали равишда диплом топшириш маросими бўлиб ўтди.

— Коллежни муваффақиятли тугатаётганлигимдан беҳад хурсандман, — дейди Эльвира Муҳамедшина. — Ушбу даргоҳда устоз-мураббийлардан жуда кўп нарсаларни ўргандим. Келгусида бу ерда олган билимларимни янада бойитиш мақсадида Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетига ўқишга кирмоқчиман.

**Суратларда:** коллеж битирувчиларига диплом топшириш маросимидан лавҳалар.



**М. АМИН (ЎзА) олган суратлар.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

*Мамлакатимизда иқтисодиётнинг аграр секторини ташкил этиш тизими йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Унда бозор шароитига хос бошқарув усуллари қарор топмоқда, қишлоқда хўжалик юритишнинг энг истиқболли ва самарали шакли бўлган фермерлик ҳаракати кенг қулоч ёзмоқда. Фермерлик ҳаракати самарадорлигининг асосий омилларидан бири илғор технологияларни тўхтовсиз яратиш ва жорий этишдан, ёнилғи-мойлаш материаллари ва минерал ўғитларни унумсиз сарфлашни қисқартиришдан, буғдой, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларининг юқори ҳосилли навларини етиштиришдан иборатдир.*

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитасида «Пахтачилик ва ғаллачиликка илғор технологияларни жорий этиш орқали қишлоқ хўжалигини модернизациялаш: муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари» мавзуида бўлиб ўтган конференция ана шу ва бошқа масалаларни муҳокама қилишга бағишланди.

Конференция қатнашчилари мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг қонунчилик асоси яратилганлигини, «Уруғчилик тўғрисида», «Селекция соҳасидаги ютуқлар тўғрисида», «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида», «Қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжаликлари) тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси, шунингдек бир қатор бошқа қонунлар қабул қилинган бўлиб, ҳозир улар амалда эканини таъкидладилар.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини қайта ташкил этиш, зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли ширкат хўжаликлари негизида фермер хўжаликларини ташкил этиш соҳасида амалга оширилаётган тадбирлар мажмуи ўтган йили катта ижобий натижаларни қўлга киритишга имкон берди. Мамлакатда 3 миллион 700 минг тоннадан ортиқ пахта ва 6 миллион тоннадан кўпроқ буғдой етиштирилиб, давлатга топширилди. Қишлоқ хўжалигида муваффақиятларга эришишга қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг илмий асосланган концепцияси ва дастури яратилганлиги ва жорий этилганлиги, юқори ҳосилли пахта навлари яратилиб, қўлланилганлиги, шунингдек қуруқ ва иссиқ иқлим шароитига яхши мослашадиган янги буғдой навларининг районлаштирилганлиги ёрдам берди.

Деҳқончилик маданиятини яхшилаш ва ҳосилдорликни оширишда қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш базасини модернизациялаш, янги турдаги ТТЗ-80, ТТЗ-100 тракторларини яратиш, шунингдек такомиллаштирилган сеялкалар, плуглар, юмшатгичлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги мосламаларини ишлаб чиқариш алоҳида роль ўйнади.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигини модернизациялашда, айниқса пахтачилик ва ғаллачиликка илғор технологияларни жорий этишда фойдаланилмаётган катта-катта имкониятлар ва захиралар мавжуд. Энг аввало, конференция иштирокчилари кўрсатиб ўтганларидек, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, органик ва минерал ўғитлардан доимий равишда фойдаланиш, алмашлаб экиш усулини қўллаш зарур. Интенсив деҳқончилик шароитида экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилайдиган экинлар сифатида буғдой ўриб йиғиб олинганидан кейин дуккакли экинларни (нўхат, мош, соя ва бошқаларни) экиш таклиф қилинди.

Конференция қатнашчилари қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқлари бўлмиш пахтачилик ва ғаллачиликда селекцияни янада ривожлантириш ва уруғчиликни такомиллаштириш, пахта ва буғдойнинг янги юқори ҳосилли, сув тақчил бўлган, қуруқ ва иссиқ иқлим шароитларига яхши мослашадиган навларини яратиш масалаларига алоҳида эътибор бердилар.

Конференцияда муҳокама якунлари бўйича қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини модернизациялаш ҳамда унга илғор технологияларни жорий этишга доир қонунларни такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

Конференция ишида сенаторлар, депутатлар, Фанлар академияси ва бошқа илмий муассасаларнинг олимлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, илмий ишлаб чиқариш корхоналарининг раҳбарлари иштирок этдилар.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси Сенатининг**
**Матбуот хизмати**

● «Ғалла — 2006»

## КАТТА ХИРМОНГА МУНОСИБ ҲИССА

Мухбирларимиз хабар қиладилар

**ҚАШҚАДАРЁ.** Бу йил вилоятда 205 минг гектар ерга дон экилган бўлса, бунинг 142 минг гектари суғориладиган майдонлар эди. Ёмғир кам бўлганлиги туфайли Деҳқонобод, Ғузор, Чироқчи, Қамаши туманлари лалмикор ерларида ғалла яхши ўсмади.

— Барибир кўпнинг ризқи баракали бўларкан, — дейди **вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси мутахассиси Жонимқул Ҳасанов.** — Жами 314 минг тонна дон сотиб, шартномавий режани бажардик. Ўримда 299 та комбайн юқори унум билан ишлатилди. Катта хирмонга Касби тумани — 42 минг, Қарши — 38 минг, Косон — 41 минг, Нишон — 37 минг, Яккабоғ — 24 минг, Шаҳрисабз — 19 минг тоннадан ошиқ дон тўкдилар. Қолган туманлар ҳам маррага бирин-кетин етиб келишмоқда.

Энг муҳими, бу ютуқларда давлатга дон сотиш бўйича шартнома тузган 15 минг 800 та фермер хўжалигининг ҳиссаси катта бўлди. Уларнинг 95-96 фоизи ҳозироқ режаларини тўла уддалаган бўлишса-да, бошқа хўжаликлар қатори ўримни давом эттирмоқдалар.

**НАВОИЙ.** Вилоят ғаллакорлари давлатга йиллик дон сотиш шартномавий режасини ошириб бажардилар. Хирмонга 81 минг 400 тонна ўрнига 82 минг тоннадан зиёд сифатли дон тўкилди. Бунинг қарийб 4500 тоннаси маҳаллий шароитга мос уруғлик ғалла бўлди.

Эришилган муваффақиятга Қизилтепа, Кармана, Навбаҳор, Конимех, Хатирчи туманлари деҳқонлари муносиб ҳисса қўшдилар. Вилоятдаги Раъно Валиева, Бўстон Маҳмудова, Мавжуда Шарипова, Сабоҳат Раҳимова, Бекназар Муқимов, Тоғай Раҳматов сингари ўнлаб фермерлар бош бўлган хўжаликларда ҳар гектар буғдойзор ҳосилдорлиги ўртача 40-45 центнерга етди.

Ғаллазорларда ўрим-йиғим ишлари ҳали давом этмоқда. Мўлжал ялпи дон ҳосилини 86 минг тоннага етказиш.

**АНДИЖОН.** Вилоят ғаллакорлари давлат қабул пунктларига 247,8 минг тонна дон топшириб, шартномавий режаларини уддалаб қўйишди. Етиштирилган ҳосилнинг 98 минг тоннаси сара уруғлик дон бўлди. Ҳар гектар ғаллазордан 58,4 центнердан олинган буғдой даромади 33,5 миллиард сўмга бораяпти. Соф фойда эса ўтган йилга нисбатан 6 миллиард сўм кўп.

Эришилган ютуқ дала миришкорларининг матонатли меҳнатлари натижаси, албатта. Чунончи, уруғликни оби-тобида экиш, ниҳолларни яхши парваришлаш, етилган ҳосилни жадал ўриб-йиғишдаги уюшқоқлик ўз самарасини берди. Айниқса, избосканлик ғаллакорлар вилоятда барчага ўрнак бўлиб, маррага биринчи етиб келишди. Улар изидан Олтинкўл, Балиқчи, Пахтаобод, Шаҳрихон, Андижон, Асака ва Булоқбоши туманлари деҳқонлари ҳам зафар қучдилар.

*Мухбирларимиз — Музаффар Шаропов, Юнус Узоқов ва Аҳмадулло Солиев узатган мазкур хабарларнинг барчасида таъкидланишича, давлатга дон сотиш юзасидан йиллик шартномавий режаларини адо этган вилоятлар ва туманлар хўжаликларининг ҳаммасида ўрим-йиғим юмушлари билан бирга келгуси йил деҳқончилигига тайёргарлик ишлари ҳам бошлаб юборилган. Жумладан, ҳосилдан бўшаган майдонлар пешма-пеш шудгорланмоқда.*

## ҚАШҚАРДА БУЮК ИПАК ЙЎЛИ ТИКЛАНМОҚДА

Хитой Халқ Республикасининг Шинжон-Уйғур мухтор вилояти жанубидаги тўртта чегара пункти божхона органлари Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари билан божхона амалиётларини такомиллаштиришга тайёр эканини маълум қилди, деб хабар беради Хитойнинг «Интернет-центр» ахборот маҳкамаси.

— Тургат, Хунджераб ва Иркештон чегара пунктларидаги божхона амалиётлари қадимий Ипак йўлида жойлашган Қашқар шаҳрида амалга оширилади, — дейди шаҳар божхона бошқармаси бошлиғи Мэй Вэйпин. — Бу чора божхона фаоллигини ошириш баробарида Шинжон-Уйғур мухтор вилояти жанубий қисмининг ташқи дунё билан савдо-иқтисодий алоқаларини ривожлантиришга туртки беради. Ўтган йили Қашқарда хорижий сармояларни жалб этиш бўйича 250 дан зиёд лойиҳа амалга оширилиб, умумий савдо айланмаси бундан олдинги йилга нисбатан 36 фоизга ошган. Бу ерда барпо этилаётган тўртта саноат парки йирик маҳаллий ва хорижий корхоналарнинг диққатини жалб этмоқда.

Қулай транспорт коммуникациялари — замонавий Ипак йўлини ривожлантириш учун турткидир. Қашқарда бошланувчи Хитой — Покистон ва Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон йўналишидаги темир йўл магистралларини барпо этиш давлат тараққиёт режасига киритилган. Қашқар бевосита Чжэнчжоу, Чэнду, Шанхай ва Пекин йўналишидаги темир йўл орқали йўловчи ва юк ташиш оқимини жадаллик билан йўлга қўймоқда. Айни пайтда мавжуд бўлган Қашқар — Карачи (Покистон) авиайўналишидан ташқари Қашқардан Нью — Дели, Душанбе, Тошкент ва бошқа мамлакатлар шаҳарларига тўғридан-тўғри авиарейсларни йўлга қўйиш мўлжалланмоқда.

Қашқар ва қўшни мамлакатлар 1 миллиард кишидан кўпроқ улкан истеъмол бозорини ташкил этади. 2005 йилда Шинжон — Уйғур мухтор вилоятининг умумий товар айланмаси 7,94 миллиард АҚШ долларига етди. Хитой, Қозоғистон. Қирғизистон, Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон билан савдо-иқтисодий ҳамкорлик ва сармояларни муҳофаза этиш тўғрисидаги ҳукуматлараро битимларга имзо чеккан.

**«Жаҳон» АА**

● Мулоҳаза

## АТАМАЛАР — ЮРИДИК ТИЛ МЕЗОНИ

Тил тараққиёти жамият, миллат тараққиёти билан узвий боғлиқ. Миллий тил ҳар бир юрт мустақиллигининг энг муҳим рамзларидан саналади. Давлат тили мақоми эса унинг ҳар томонлама ривожланишини кафолатлайди. Бундай ривожланиш (ислоҳ, ўзгариш, такомиллашув), даставвал, ўзбек тилининг лексикасида, атамашунослигида акс этди ва бу жараён давом этмоқда. Айниқса, ҳуқуқий демократик давлат қуриш билан боғлиқ ҳолда юридик тил, юридик атамашуносликнинг кун сайин ривожланиши ва норматив-ҳуқуқий атамаларни қўллашдаги қатор муаммолар шу соҳада илмий тадқиқот ишлари олиб боришни тақозо этмоқда.

Юридик тилнинг аниқлиги ҳар томонлама юридик атамашуносликка боғлиқ. Шу боис ҳам ўзбек қонунчилигида юридик атамашуносликнинг ўзига хос ўрни бор.

Истиқлол йилларида юриспруденцияга бўлган эътибор тубдан ўзгарди. Миллий қонунчилигимизни шакллантириш борасидаги ислоҳотлар кун сайин чуқурлашиб, мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини илмий ўрганиш давлатимиз сиёсатининг муҳим вазифасига айланди. Республикамиз Президенти томонидан мазкур масалага катта эътибор қаратилмоқда. Инсон ҳуқуқларига оид қатор тадбирларнинг амалга оширилиши, қонуний ҳужжатларнинг яратилиши, суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг ўтказилиши, ҳуқуқшунослик бўйича дарслик ва қўлланмаларнинг нашр этилаётганлиги, қатор луғатларнинг юзага келганлиги фикримиз далилидир. Президентимиз таъкидлаганларидек, **«Ҳар бир фуқаро, ҳар бир инсон ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билиши ва уни ҳимоя қила олиши зарур. Одамларни ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий билимлар билан қуроллантириш асосий вазифалардан бири бўлиши шарт».**

Бугун инсоният томонидан фан-техника соҳасида эришилаётган ютуқларнинг барчаси энг аввало тилда акс этади. Бунда, албатта, атамашуносликнинг аҳамияти беқиёсдир. Юридик атамаларнинг шаклланиш тарихи, атамалараро муносабатлар, умумҳуқуқий тезаурус яратиш тамойиллари кабилар ана шундай муаммолардандир.

Фаннинг барча тармоқларига оид атамаларни, шу жумладан, ўзбек юридик атамаларини тартибга солиш атамашунослар олдида турган энг муҳим масалалардан биридир. Юридик соҳа ривожланар экан, юридик тил ҳам унга мос равишда бойиб боради, юридик атамашунослик равнақ топади. Мустақиллигимиз туфайли ўзбек тилининг қатор соҳавий атамашунослигида, жумладан, юридик атамашунослик тизимида ҳам ўзгаришлар рўй бера бошлади. Булар қуйидагилардан иборат.

Ўзбек илмий атамашунослигининг миллийлашуви республикамиз мустақилликка эришиши, юриспруденция соҳасининг ривожланиши билан бевосита боғлиқдир. Аммо бу борада айрим камчиликлар ҳам пайдо бўлди. Масалан, «Давлат тили ҳақида»ги Қонун қабул қилингандан сўнг муомаладаги ўзлашиб кетган баъзи атамаларни ўринсиз таржима қилишга ўтилди. Натижада жиддий хатоликларга йўл қўйилди. Масалан, ҳарбий соҳада *«противогаз»* деган атама бор. Ана шу сўз ўзбекчага *«газли ниқоб»* деб таржима қилинган эди. Мазкур сўз маъносига кўра ҳам рус тилидаги *«противогаз»* сўзига мутлақо мос келмайди. *«Противогаз»* сўзини сўзма-сўз таржима қилсак, *«газга қарши»* деган маънони беради. Таржимадаги *«газли ниқоб»* эса «газ билан тўлдирилган» ниқобни англатади.

Илмий жиҳатдан асосли андазаланган халқаро сиёсий-ҳуқуқий атамаларни тилимизда шакллантиришда миллий хусусиятларимизнинг ўзига хос жиҳатларини ҳам ҳисобга олиш зарур. Ҳозирги кунда *«агреман»* — «розилик», *«запас»* — «захира», *«повестка»* — «чақирув қоғози», *«консенсус»* — «келишув», *«петиция»* — «арзнома», *«консульство»* — «консулхона», *«капитал»* — «сармоя» шаклида ишлатиляпти.

2-бет

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

O'ZSANOATQURILISHBANK
KO'PLARNI TANISHADI – MUNOSIBLARNI TANLASHADI!
Tel.: 120-45-01, 120-45-82, 120-45-05, факс: 133-34-26
www.uzpsb.uz e-mail: info@uzpsb.uz
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel.: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари
Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТА БАНК» – ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР
Хизматлар лицензияланган

● Мулоҳаза

# АТАМАЛАР — ЮРИДИК ТИЛ МЕЗОНИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мазкур ўгиришлар мақсадга мувофиқ бўлиб, бунда ўзбек тилининг миллий жиҳатлари эътиборга олинган. Бу ижобий ҳол, албатта. Аммо айрим атамалар стандарт талабга жавоб бермаяпти, улар нотўғри ишлатилиб келинмоқда. Масалан: *«конгресс»* — «анжуман», *«конференция»* — «анжуман».

Лекин муомаладаги ўзбек тилининг изоҳли луғатига кўра, *«конгресс* — муҳим сиёсий, илмий ва бошқа масалалар юзасидан ўтказиладиган халқаро съезд, кенгаш» бўлса, *«конференция* — давлатлар, партия, ижтимоий, илмий ва ш.к. ташкилотлар вакилларининг бирор масалани муҳокама қилиш, ҳал этиш учун чақирилган мажлиси, кенгаши»дир. Демак, конгресс ва конференция ўртасида фарқ катта.

Ҳуқуқшуносликда *қамоққа* таъриф берилиб, шундай дейилади: масалан: «Қамоқ — шахсни батамом ажратган шароит остида сақлашдан иборат бўлиб, бир ойдан олти ойгача муддатга белгиланади». (ЎзР. ЖК. 40-модда). Рус тилида бу модда шундай берилган: «Арест состоит в содержании лица в условиях строгой изоляции и устанавливается на срок от одного до шести месяцев».

Бизнинг фикримизча, изоҳ ўзбек тилида мураккаброқ берилган. Чунки бу ерда *«изоляция»* сўзи «батамом ажратган шароит» деб таржима қилинган. Бизнингча, қамоқ — шахсни изоляция шароитида сақлашдан иборат бўлиб, бир ойдан олти ойгача муддатга белгиланади деб берилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки «изоляция» атамаси «батамом ажратган шароит» бирикмасига нисбатан аниқ тушунилади. Бундан ташқари, тиббиёт соҳасида ҳам «батамом ажратилган шароит» маъносида асосан «бокс» атамаси қўлланилади. Кўринадики, *«батамом ажратилган шароит»* бирикмаси ҳар иккала соҳада «изоляция» ва «бокс» терминларининг изоҳидир.

Ўзбек юридик атамашунослигидаги бирхиллик тамойиллари, атамаларни андазалаш, юридик атамашуносликни муайян тизим сифатида ўрганиш, уларни илмий-назарий жиҳатдан таснифлаш тамойилларини ишлаб чиқиш ўзбек тилининг умумҳуқуқий тезаурусини яратиш имконини беради.

Тезаурус бирор тилнинг мукаммал луғати бўлиб, атамашунослик асосини ташкил қилади. Тезаурус — сўз ва атаманинг тўлиқ мазмуний маълумотини берувчи луғавий бирлик, муайян тушунчанинг интерлисоний ва экстралисоний алоқалари тизимидир.

Тезаурус қонунчиликка муайян талаблар қўяди ва атамашунослик қонун-қоидаларига қатъий риоя этишни талаб қилишга ундайди. Яъни, умумҳуқуқий тезаурус тушунчалар ўртасидаги боғлиқликни ифодалаб, тушунчани аниқ таърифлашга, қарама-қарши маъноларни келтириб чиқармасликка даъват этади. Шу боис, атамаларнинг аниқлиги, бирмаънолилиги барқарорлигига эришилади. Умумҳуқуқий тезаурус орқали атаманинг қўлланилиши мумкин бўлган ягона маъноси белгиланади.

«Русско-узбекской словарь правовой лексики» (Т., 1991) луғатида *«амнистия»* — «афв» деб берилган, «Юридик атамалар ва иборалар луғати» (Т.,1993)да эса *«амнистия» — «умумий афв»* тарзида ифодаланган. Биринчи таъриф «амнистия»нинг аниқ ифодаси эмас, *«умумий афв»* эса *амнистия*нинг маъносига айнан мос келиб, умумҳуқуқий тезаурус ичига киритилади. Шу тариқа ҳар бир атама маъносидаги аниқликни тезаурус белгилаб беради. Умумҳуқуқий тезаурусга кирувчи ҳар бир атама атамашунослик талабларига тўла мос келмоғи шарт. Шу боис, умумҳуқуқий тезаурус қанчалик пухта ва мукаммал бўлса, атамашунослик соҳасидаги синонимия, омонимия, полисемия ҳодисаларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди, узундан-узоқ таърифлар бўлишига барҳам берилади. Чунки қонун чиқарувчиларнинг мажбуриятларидан бири қўлланилаётган юридик атамаларнинг тўғрилиги, изчиллиги, аниқлиги, оддий ва ягона маъно англатишини кузатиб боришдир.

Бундан ташқари, қонунчилигимизда баъзи атамалар таркибида фонетик ўзгаришлар ҳам кузатилмоқда. Масалан, «Юридик атамалар ва иборалар луғати»да *«воровство»* атамаси «ўғирлик» деб берилган. *«Расхищение»* эса «ўғрилаш, талон-торож қилиш, талаб кетиш» деб кўрсатилган. Бу ўринда чалкашликка йўл қўйилганлиги маълум. Чунки бир хил маъно билдирувчи «ўғирлик» ва «ўғрилаш» сўзлари бир луғатда икки хил кўринишда берилган.

Демак, бу хилдаги чалкашликлар юридик тилимизда умумҳуқуқий тезауруснинг пухта шаклланмаганидан далолат беради. Ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан бири — ўзбек умумҳуқуқий тезаурусини яратишдан иборат, акс ҳолда қонунчилигимиз тилидаги ҳар хилликларга чек қўйилмайди.

**Гулнора ҒУЛОМОВА,**
**филология фанлари нозоди,**
**ТДЮИ катта ўқитувчиси**

● ЎзХДП — аёлларнинг мустаҳкам таянчи

# СОҒЛОМ ОИЛА — КЕЛАЖАК

*Миллатнинг эртаси жамиятда аёл, она ва бола саломатлиги қай даражада ҳимояланишига боғлиқ. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Дастурида она ва болаликни ижтимоий муҳофазалаш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, ғамхўрлик кўрсатишга алоҳида урғу берилган. Марказий Кенгаш қошида ташкил этилган «Фаол аёллар қаноти», унинг шаҳар, туман кенгашлари бўлимларининг асосий иш фаолиятлари айнан хотин-қизлар масаласига қаратилгандир.*

*Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши «Фаол аёллар қаноти», партиянинг Собир Раҳимов туман кенгаши, «Соғлом авлод учун» нодавлат хайрия ташкилоти, республика Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Педиатрия илмий текшириш институти, Собир Раҳимов туман хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда «Ачаобод» маҳалласида «Соғлом оила — соғлом келажак демакдир» мавзуида давра суҳбати ташкил этди.*

*Анжуманда «Ачаобод» маҳалланинг фаол аёллари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, тиббиёт муассасалари ходимлари қатнашдилар.*

*Инсоннинг сиҳат-саломатлиги кўп жиҳатдан ўзига, оиладаги соғлом турмуш тарзига боғлиқдир. Зеро, Юртбошимиз томонидан жорий йилнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилиниши замирида ҳам оила, маҳалла, бошқа жамоат ташкилотларида қадимий анъаналаримиз — ўзаро биродарлик, аҳиллик, покдомонлик, орасталик каби ҳаётий фалсафага асосланган соғлом турмуш тарзини шакллантириш масаласи мужассамлашган.*

*Давра суҳбати иштирокчилари оила мустаҳкамлиги, саломатлиги, фаровон турмуш кечириши борасида ўз фикр-мулоҳазаларини, шунингдек, тиббий савиянинг пастлиги натижасида баъзи хонадонларда она ва бола саломатлиги талаб даражасида эмаслигини уқтириб ўтдилар.*

**Дилбар МАҲМУДОВА,**
**Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Педиатрия илмий-текшириш институти директори, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати:**

— Она ва болаликни ижтимоий муҳофазалаш, уларнинг саломатлигини ҳимоялаш орқали биз жамиятимизнинг эртасини асраб, баркамоллигини таъминлаймиз. Бу борада кўплаб ибратли ишларни бажараяпмиз, бу ютуқлар ўзимизники. Аммо мутахассис сифатида мени ташвишга солаётган баъзи мулоҳазаларимни айтмоқчиман.

Биз болажон халқмиз, ўрикнинг мағзидан данаги ширин дея неварамизни авайлаймизу, аммо унинг саломатлигини сақлашга гоҳо лоқайдмиз, касал бўлгач елиб-югурамиз. Оддий мисол, оилада гўдак дунёга келди, ёш оналар чақалоқни она сути билан озиқлантириш кераклигини билишади. Аммо гўдак 3-4 ойлик бўлдими, оғзига озиқни чайнаб ёки илиги бақувват бўлсин, деб думба ёғини докага ўраб шимдиришади. Бу болани мутлақо нотўғри озиқлантиришдир. Аввало, шу озиқ орқали қанча зарарли микроб бола организмига тушяпти, ёғ эса унинг ошқозон-ичак тизимига зарар етказяпти. Педиатр сифатида шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, гўдак олти ойлик бўлмагунча, унга қўшимча озиқа, печенье ёки ширин чой, ҳатто оғзига сўрғичларни тутиш мумкин эмас. Фақат она сути билан парваришланг, ўшанда бу чақалоқ соғлом, бақувват, энг муҳими ақл-заковатли инсон бўлиб вояга етади. Бир аччиқ ҳақиқатни айтай, 10 йилдан буён гўдакни она сути билан озиқлантириш муаммоси устида аҳоли орасида тарғибот-ташвиқот олиб боряпмиз. Илмий-тадқиқотларимиз Тошкент шаҳрида оналарнинг атиги 10 фоизи шу қоидага амал қилишини кўрсатди?! Негадир аҳоли орасида «ҳамма боланинг ошқозони бузилади, яна тузалади, бунинг хавфли томони йўқ-ку» деган гап-сўзлар юради. Йўқ, бу нотўғри фикр, гўдакнинг ошқозон-ичак тизими касалланганда унинг умумий саломатлигини икки қадам орқага суради, ўсишдан тўхтайди, камқонликнинг бошланишига олиб келади.

Инсоннинг соғлиғи болаликдан ҳимояланиши зарур. Мени кўпроқ она ва боланинг қандай овқатланиши ташвишга солади. Ёз ойида дастурхонимизда иложи борича мева, сабзавот, кўкатлар кўп бўлсин. Бу йил ўрик кўп бўлди, у инсон организми учун энг зарур бўлган модда — калийнинг кони-ку. Шотут, олхўри, гилос, олчадан компот қилиб ичиш, қишга хонаки туршаклар тайёрлаш керак. Хориждан келтирилган шарбат, салқин ичимликлардан кўра, ўзимизнинг мева-чева, сабзавотлар фойдали, чунки у бизнинг иқлимда ўсган, организм уни яхши қабул қилади.

**Лола ДАМИНОВА,**
**Собир Раҳимов туманидаги 54-оилавий поликлиника бош шифокори:**

— Оиланинг соғлиги кўп жиҳатдан хонадондаги ёши улуғ отахон ва онахонларга, уй бекаларига боғлиқ. Маҳалламизни олайлик, бу борада бизни қийнаётган муаммо — фертил ёшидаги аёллар, уй бекалари вақтида поликлиникага чиқиб, соғлиғини назорат қилмайди. Агар 50 фоиз аёллар ўз вақтида шифокор ҳузурига келса ҳам ярим ютуқ дегани, гўдакларни эмлашда ҳам шундай муаммо бор. Баъзи қайноналар ҳомиладор келинини 20 ҳафталикдан кейин поликлиникага олиб келишади. Биз ҳозирги кунда қайси хонадонга келин тушса, икки ҳафта ўтгач, тиббий патронаж жўнатяпмиз.

Мен шифокор сифатида Ўзбекистон ХДП шаҳар ва туман кенгаши ташаббуси билан ўтказилаётган ушбу тадбирни маъқуллайман.

**Муҳаррамхон РАСУЛОВА,**
**«Ачаобод» маҳалла фуқаролар йиғини диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчиси:**

— Маҳалламиз аҳолисининг асосий қисми хотин-қизлар, ёш болалардан иборат. Бугунги долзарб масала ўқувчиларнинг ёзги таътилини тўғри ташкиллаштириш, она ва болаларни юқумли хасталиклардан ҳимоялашдир. Афсуски ҳали бу борада қилинадиган ишлар кўп, чунки оила тиббий савиясини оширишда тиббиёт ходимлари ва жамоатчилик ёрдамига таянамиз.

*«Давра суҳбати» иштирокчилари «Ачаобод» маҳалласида ўтказиб келинаётган «Энг соғлом оиладан ўрганамиз» деб номланган тарғибот-ташвиқот ишларига ижобий баҳо бердилар. Зеро, маҳалладаги қуда-андали хонадон бекалари, ёши улуғ аёллар балоғат ёшидаги қизларга оила тутиш, орасталик, оила бюджетини иқтисод қилиш, янги хонадонга кўникиш, саломатликни асраш сирлари хусусида суҳбатлар ташкил этишмоқда.*

*Дарҳақиқат, ачаободлик аёлларнинг бу тажрибасини оммалаштириш, кенгайтириш фойдадан холи эмас.*

**Саида САЙХУН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

● Муаммо ва ечим

# ДОРИШУНОСЛИК СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК

## дори воситалари сифати ва хавфсизлигига хизмат қилади

«Замонавий дорилар атом энергиясига ўхшашдир, улар улкан фойда, шунингдек, мисли кўрилмаган зиён келтириши мумкин», деган эди Буюк Британия дорилар хавфсизлиги Қўмитасининг раиси Сер Деррик Данлоп.

Дарҳақиқат, дори воситаларининг хавфсизлиги бутун дунё бўйича ҳанузгача долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Бу аввало, юқори биологик фаолликка эга бўлган кўп миқдордаги фармакологик препаратларнинг тиббиёт амалиётига жорий этилиши, аҳолининг биологик ва кимёвий моддаларга нисбатан сезгирлигининг кучайиши, дориларнинг самарасиз қўлланилиши, тиббий хатоликлар ва ниҳоят, сифатсиз, қалбакилаштирилган препаратларнинг истеъмол қилиниши билан боғлиқдир. Шунинг учун кейинги вақтда дори воситаларидан «заҳарланиш»нинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Яқинда Тошкент фармацевтика институтида «Дори воситаларини ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва сифатини таъминлашга замонавий талаблар» мавзуида семинар бўлиб ўтди. Унда Россия Федерациясининг И.Сеченов номли Москва тиббиёт академиясининг олимлари, Тошкент фармацевтика институти ва Ўзбекистон Фанлар академиясининг доришунос олимлари, «Ўзфармсаноат» Давлат акциядорлик концерни фирмалари раҳбарлари ва кўпгина дори воситалари ишлаб чиқарувчи фармацевтик қўшма корхоналар вакиллари иштирок этишди.

Мутахассислар «Дорилар сифатини назорат босқичида яхшилаб бўлмайди, уни аввалдан режалаштириш лозим» деган ғояни илгари сурдилар.

И.Сеченов номли Москва тиббиёт академиясининг дори воситаларини ишлаб чиқаришни ва тарқатишни ташкил этиш кафедрасининг мудири, Россия Тиббиёт академиясининг мухбир аъзоси, профессор В.Береговых ўзининг «Дори воситалари мулоқоти доирасидаги GMP ва техникавий бошқарув» мавзуидаги маърузасида дори воситалари муомаласи тизимини бошқаришнинг ҳуқуқий томонларини таъминлаш, уни халқаро амалиёт билан уйғунлаштириш борасида Россияда олиб борилаётган ишлар борасида фикр юритди.

Москва тиббиёт академиясининг Фармакогнозия кафедраси мудири, Фармация илмий текшириш институтининг директор ўринбосари, Россия Тиббиёт академиясининг мухбир аъзоси, профессор И.Самылина «Доривор ўсимлик хомашёси ва доривор ўсимлик воситалари», шунингдек, Россия Федерациясидаги доривор ўсимликлар хомашёсини ишлаш истиқболлари ва захираси ҳақидаги янгиликларни баён этди. Маърузада доривор ўсимликлар хомашёси сифатига қўйиладиган меъёрий ҳужжатларга бўлган замонавий талабларга алоҳида урғу берилди.

Бу талабларнинг асл моҳияти дори воситаларининг зарурий истеъмол хоссаларини (сифати, самараси, хавфсизлиги), уларни ишлаб чиқаришда ва синашда такомиллашган лаборатория ва клиника амалиётлари, шунингдек, ишлаб чиқариш, улгуржи савдо ва дорихоналарда такомиллашган амалиётга қатъий риоя қилиш орқали амалга оширилиши далиллар орқали кўрсатилди.

Семинар ишида дори воситаларининг сифатини таъминлаш учун уларнинг яратилиши, тайёрланиши ва тарқатилишининг ҳар бир босқичида қўйилган меъёрий талаблардан четга чиқмаслик, хатоликка йўл қўймаслик зарурлиги алоҳида таъкидланди. Фақат бу талаблар бажарилгандагина дори воситаларининг сифати таъминланади.

Москвадан ташриф буюрган олимлар «Ҳомийлар ва шифокор йили» муносабати билан институт кутубхонасига, ҳамкасбларига ноёб, янги нашрдан чиққан китобларни, турли ҳужжатлар нусхаларини тақдим этишди.

Илмий анжуман сўнггида Москва тиббиёт академияси, Фармация илмий-текшириш институти ва Тошкент фармацевтика институти олимлари келгусида ҳамкорликда изланишлар олиб боришга, ўқув жараёнида кадрлар алмашишга, биргаликда дарсликлар яратишга, масофадан туриб мутахассислар малакасини ошириш ишларини йўлга қўйиш борасида шартномалар тузилди.

Зеро, доришунослик соҳасидаги халқаро ҳамкорлик унинг тараққиётига, муаммолар ечимига хизмат қилади.

**Собиржон АМИНОВ,**
**Тошкент Фармацевтика институтининг Ноорганик, аналитик, физик ва коллоид кимё кафедрасининг мудири**

● ЎзХДП ҳаёти

# ҲАММАСИ ФАОЛИККА БОҒЛИҚ

Шофиркон туман партия кенгашининг пленуми туман партия ташкилоти фаолиятида туб бурилиш ясашга туртки бўлди. ЎзХДП туман кенгаши раиси Абдувоҳид Асадов қилган маърузада партия Марказий Кенгаши IV пленуми ўртага қўйган вазифалар, аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий, тарғибот-ташвиқот ишлари таъсирчанлиги ва самарадорлиги сустлиги, жамоатчилик қабулхонаси фаолияти ҳамда аъзоларни қайта рўйхатдан ўтказиш, депутатлар гуруҳи ишида жиддий нуқсонлар кўзга ташланганлиги танқид қилинди. Айрим ҳудудий ҳамда бошланғич партия ташкилотлари номигагина иш олиб бораётгани таъкидланиб, электорат билан ишлашда янгича ёндашув зарурлиги ҳақида фикр борди.

Сўзга чиққанлар санаб ўтилган хато ва камчиликларни келгусида бартараф этиш бўйича ўз фикрларини билдирдилар. ЎзХДП Бухоро вилоят кенгаши раиси Саида Жўраева туман партия кенгаши олдида турган асосий вазифаларга тўхталди.

Пленумда ташкилий масала кўрилди. А.Асадов ўз аризасига биноан ЎзХДП туман кенгаши раислигидан озод этилди. Баҳром Неъматов туман партия кенгаши раиси этиб сайланди.

**Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**



**Суратда:** Зангиота туманидаги «Назарбек» оромгоҳида дам олаётган Оролбўйи болаларидан бир гуруҳи.

*Зангиота туманидаги Назарбек қишлоғида темирйўлчиларнинг санаторий-профилакторийси жойлашган. Асосан, катта ёшдаги темирйўлчиларни соғломлаштиришга ихтисослашган ушбу шифо масканида Оролбўйи болалари ҳам ҳар ёз мавсумида дам олиб, соғлигини тиклаб қайтишмоқда.*

*Яқинда Қорақалпоғистон ва Хоразмдан ташриф буюрган саксон нафар бола «Назарбек»да соғлиқларини тиклаб, мазмунли ҳордиқ чиқарди. Уларнинг маданий дам олишлари учун «Ёш томошабинлар театри», цирк усталари ташриф буюришди. Турли танлов ва тадбирлар ҳам болаларнинг мароқли ҳордиқ чиқаришларига ёрдам берди.*

**М. АМИН (ЎзА) олган сурат**

# ГЕРМАНИЯДАН ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

Германия Федератив Республикасининг давлат ва тиббиёт муассасалари, етакчи фармацевтика концернлари, хусусан, Берлин шаҳри Соғлиқни сақлаш маҳкамаси, «Гексал» ва «Алтана» фармацевтика концернлари ҳамда Биелефельд шаҳри клиникаси томонидан ажратилган навбатдаги инсонпарварлик юки мамлакатимизга жўнатилди. Ушбу юкнинг жўнатилиши Мёнхенгладбах шаҳридаги «Engineering Dobersek GmbH» фирмаси ҳомийлигида амалга оширилди.

Умумий қиймати 425 минг еврони ташкил этган мазкур инсонпарварлик юки дори-дармонлар, қимматбаҳо стерилизатор жарроҳлик лампалари, турли вазифаларга мўлжалланган каравот ва тумбочкалар, ногиронлар махсус аравалари, шунингдек, Тошкент тиббиёт педиатрия институти учун икки дона жарроҳлик каравоти ва кўзни жарроҳлик йўли билан даволашда фойдаланиладиган ёрдамчи ускуналардан иборатдир.

Тиббий жиҳоз ва буюмлар республикамиздаги тиббиёт муассасаларининг интенсив терапия бўлимларини, она ва бола саломатлигини тиклаш марказларини тўла-тўкис жиҳозлашга ишлатилади. Мамлакатимизга келгач, инсонпарварлик юки «Соғлом авлод учун» жамғармаси томонидан жойларга тарқатилади.

Инсонпарварлик ёрдами соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш Ўзбекистон — Германия муносабатларида муҳим ўрин тутади. Ўтган йилнинг ўзида Германия томони республикамизга 1,16 миллион евро миқдоридаги инсонпарварлик ёрдами кўрсатди.

**Маҳмуд БОБОНАЗАРОВ,**
**«Жаҳон» АА**

# «АЗИЗ ВАТАНИМ»

«Ўзбектуризм» Миллий компаниясининг Наманган вилоят сайёҳлик ва экскурсиялар бюроси ташаббуси билан мактаб ҳамда касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари учун ёзги таътилда Фарғона водийси бўйлаб кунлик саёҳат уюштирилмоқда.

Президентимизнинг «Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган бу саёҳатга кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари ҳамда Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари олиб борилмоқда.

Фарғона вилоятига уюштирилган саёҳатда ўқувчилар Бурҳониддин Марғиноний, Аҳмад Фарғоний обидаларини зиёрат қилдилар. Фарғона ва Қўқон шаҳарларидаги ўлкашунослик музейларини бориб кўрдилар.

— Ватанпарварлик — аввало шу юртга меҳрдан бошланади, — дейди вилоят сайёҳлик ва экскурсиялар бюроси директори Ҳошимжон Ғайбуллаев. — Ушбу хайрли ишни ташкиллаштиришда тегишли таълим тизими раҳбарлари, вилоят ички ишлар бошқармаси, «Камолот» ЁИҲ ҳамда сиёсий партияларнинг вилоят кенгашлари яқиндан ёрдам бермоқда.

«Азиз Ватаним» мавзуидаги мазкур саёҳатлар июль ва август ойларида ҳам давом эттирилиб, кейинги сафарлар Андижон вилоятига уюштирилиши режалаштирилмоқда.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

● Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

# МАДАНИЙ, МАЪНАВИЙ МУЛК ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси томонидан **«Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини такомиллаштириш масалалари ва маданий бойликларни ноқонуний равишда олиб кириш, олиб кетиш ва уларга бўлган эгалик ҳуқуқини ўзга шахсга беришни ман этиш ҳамда уларнинг олдини олишга оид халқаро нормаларни имплементация қилишнинг долзарб жиҳатлари»** мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Ушбу масалани муҳокама қилишдан асосий мақсад маданий ёдгорликларимиз бўлган миллий бойликларни асраш ва янада бойитиш учун давр талаб қилаётган, айниқса, халқаро миқёсда амалга кирган ҳуқуқий нормаларни миллий қонунчилигимизда акс эттириш ва уларни такомиллаштиришдир. Маълумки, Ўзбекистон замини жуда қадим ва бетакрор тарихи билан ажралиб туради. Буни мустақиллик йилларида тикланаётган ва исботланаётган кўпгина тарихий ҳақиқатларда кўришимиз мумкин. Юртимизнинг барча ҳудудларида неча минг йилларни ўз ичига олган ва одамзотнинг дастлабки ҳаёт тарзи билан таништирувчи кўҳна ёдгорликлар мавжуд. Қадим Хоразм заминида яратилган улуғ «Авесто» китоби, кўҳна Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларидаги бебаҳо ёдгорликлар, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги зардўштийлик даврига мансуб қалъалар, улар атрофидан топилаётган ноёб ашёлар ва нодир санъат асарлари намуналари фикримиз далилидир.

Бугун барчамизнинг олдимизда халқимиз учун муқаддас саналган маданият, санъат ёдгорликларини асраб-авайлаш, келажак авлодга асл ҳолида етказишдек масъулиятли ва шарафли вазифа турибди. Буни бажариш учун эса, энг аввало, шу соҳага оид халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни чуқур ўрганишимиз, амалдаги қонунчилигимиз нормаларини такомиллаштиришимиз ниҳоятда зарур.

1954 йил 14 майда Гаага шаҳрида «Қуролли можаро чиққан ҳолда маданий бойликларни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, 1970 йил 14 ноябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича конференциясида қабул қилинган Маданий Бойликларни ноқонуний олиб кириш, олиб чиқиш ва эгалик ҳуқуқини бошқага ўтказишнинг олдини олиш ва тақиқлашга қаратилган чоралар тўғрисидаги, Умумжаҳон маданий ва табиий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенциялар 1995 йил декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ратификация қилиниб, давлатимиз ҳудудида кучга кирган.

Бу халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар халқларнинг маданий ҳаётидаги вазифаларни ўзаро ҳамкорликда амалга оширишга қаратилган. Уларда халқларнинг тарихий мероси бўлган маданий ёдгорликларни асраб-авайлаш ва ҳимоя қилиш ғоялари мужассамлашган. Айниқса, инсоният ҳаётига терроризм ва бошқа қуролли можаролар таҳдид туғдираётган бир шароитда, ҳар бир халқнинг маданий бойликларига етказиладиган зарар бутун инсоният маданий қадриятларини оёқ ости қилиш билан баробар эканлигини эътиборга олиб қабул қилинган ушбу халқаро ҳужжатлар, нафақат мамлакатимиз, балки бутун жаҳон маданий мероси ҳимоясига хизмат қилади.

Маданий бойликларни ноқонуний олиб кириш, олиб чиқиш ва эгалик ҳуқуқини бошқага ўтказишнинг олдини олиш ва тақиқлашга қаратилган чоралар тўғрисидаги Конвенцияда мамлакат ҳудудларида жойлашган маданий бойликларни ўғирлаш, яширин қазишлар, ноқонуний олиб кетиш каби хавфлардан асраш, музей, кутубхона, архивлар, маданият муассасаларидаги коллекцияларни сақлаш самаралироқ бўлишига эришиш асосий мақсад қилиб олинган.

Бугунги кунда мустақиллик туфайли тарихимиз, маданий меросимизга муносабат тубдан ўзгарганини алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз. Жаҳон цивилизацияси Марказий Осиё, шу жумладан, ўзбек халқи маданий тараққиёти билан бевосита боғлиқ. Ана шундай катта миқёсдаги маданий ёдгорликларни асраш, муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш борасидаги ишларни тартибга солиш, унинг меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқиш, ҳуқуқий асосларини яратишни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда. Ушбу маънавий-маърифий эҳтиёж туфайли республикамизда 1998 йил 29 августда «Маданий бойликларнинг олиб кирилиши ва олиб чиқилиши тўғрисида», 2001 йил 30 августда эса «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинган эди. Олий Мажлис Кенгашининг 2001 йил 29 январдаги мажлисида Ўзбекистондан чет элга олиб кетилган ҳамда халқ бойлиги бўлган архив ҳужжатларини қайтариб олиб келиш бўйича Ўзбекистон Олий Мажлиси ҳузуридаги махсус комиссия тўғрисидаги Низом тасдиқланди. Ушбу Низомда ҳам ўтмишда турли сабабларга кўра чет элларга олиб чиқиб кетилган, умуммиллий аҳамиятга эга бўлган архив ҳужжатларини аниқлаш, уларни ўрганиш ва мамлакатимизга қайтариб олиб келиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди. Комиссия ўз фаолияти давомида бошқа давлатларда сақланаётган ҳужжатларни асл ҳолида ёки нусхаларини қайтариб олиб келиш мақсадида уларнинг тарихий, илмий, маъданий-маърифий, сиёсий аҳамиятини чуқур ўрганди ва таҳлил қилди. Республикамиздан ташқарига олиб кетилган корхона, муассаса, ташкилотлар, фан соҳаларидаги, кино, фото ҳужжатларини аниқлаш ва қайтариб олиб келиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилди.

Халқимиз тақдирига дахлдор бўлган тарихимизни тўлақонли тиклаш, албатта, маданий ёдгорликларимизга бўлган эътибор ва ғамхўрлигимизга боғлиқ. Халқимиз ва миллатимизнинг яқин ўтмишдаги ҳали ҳануз сир бўлиб келаётган, очилмаган саҳифаларини ўрганишимиз учун маданий ёдгорликларни кўз қорачиғидек асраб-авайлашимиз керак. Шу нуқтаи назардан юқорида тилга олинган конвенциялар асосида Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига айрим ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарур.

Айни вақтда айтиш мумкинки, маданий меросимиз бўлган ёдгорликларни асрашда давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари, шу соҳадаги мутасадди ташкилотлар ҳамкорликда амалга ошириши керак бўлган қатор вазифалар турибди. Уларни ҳаётга татбиқ этишда «Фуқаролик», «Шаҳарсозлик» кодексларига ҳам ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга тўғри келади. Чунки бу йўналишдаги амалдаги қонунчилигимиз тарихимизга, бугунги кунимиз ва келажагимизга дахлдор бўлган маданий ёдгорликларимизни тўлақонли асрашда айрим муаммоларни етарлича ҳал қилиб бера олмайди. Зеро, халқнинг маданий, маънавий мулки сотилмаслиги, ўғирланмаслиги, ундан фойдаланиш ҳуқуқи ўзгаларга ўтиб кетмаслиги керак. У қонун ҳимоясида бўлмоғи лозим.

**Гулистон АННАҚЛИЧЕВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси**

## XORIJDA

### РОССИЯ

М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети тарихида илк бор кириш имтиҳонлари барча факультетларда бир кунда ўтказилмоқда. Олий ўқув юрти ректори Виктор Садовничийнинг сўзларига кўра, бундай янгиликдан мақсад имтиҳонлар муддатини чўзиб юбормасдан абитуриентларга енгиллик яратиш, ўқитувчиларга эса баҳо қўйишда холис бўлишларига имкон беришдан иборат.



Абитуриентлар кўчирмакашлик қила олмайдилар. Ҳаттоки қўл телефонларини яширинча олиб киришларига ҳам йўл қўйилмайди.

— Бу йилги танлов ўтган йилдагидан юқори, бир ўринга ўртача олти кишидан тўғри келмоқда, — деди Садовничий. Унинг айтишича, бу йил 7-8 минг киши кириш имтиҳонлари топширади.

### АҚШ

«NASA» мутахассислари ноқулай об-ҳаво боис кўп маротаба фойдаланиладиган «Discovery» фазовий кемаси парвозини 4 июлга кўчиришга қарор қилишган. Маҳаллий вақт бўйича соат 14.38 да (Москва вақти бўйича соат 22.38 да) унинг учирилиши кутилмоқда. Метеорологларнинг тахмин қилишларича, Америка космодроми жойлашган Канаверал бурнида (Флорида штати) об-ҳаво яхшиланиши кузатилади. Бироқ ёмғир ёғиш эҳтимоли ҳамон сақланиб қолаётир. Якшанбада ушбу ҳудуд узра қора булутлар қуюқлашиб кетганди, бу кема ва экипаж аъзолари учун хавф туғдириши мумкин эди. Об-ҳавонинг ёмонлашуви туфайли фазовий кемани учириш вақти иккинчи бор кўчирилди. Парвознинг ҳар бир қолдирилиши «NASA» учун 1,5 миллиондан ортиқ долларга тушади.

«NASA» раҳбари Майкл Гриффин сўзларига қараганда, «Discovery»нинг бўлажак парвози халқаро фазовий станция қурилишини якунлаш йўлида муҳим қадам бўлади.



### БУЮК БРИТАНИЯ

«Ал-Қоида» террорчилик шохобчасининг Буюк Британияга нисбатан таҳдиди кейинги вақтда ошган, дейилади Британия парламентининг халқаро ишлар бўйича қўмитаси маърузасида. Парламент аъзолари Англиянинг АҚШ томонидан терроризмга қарши олиб борилаётган ялпи урушдаги иштирокини ўрганишган.

Уларнинг хулосасига кўра, келажакда бундай таҳдиднинг олдини олиш тобора мураккаблашади, зеро, маъмурларнинг террорчилик ташвиқотига ва Ироқ ҳудудида тайёргарликдан ўтаётган янги жангариларга қарама-қарши туриши ўта қийин кечмоқда. Бундан ташқари, халқаро ишлар бўйича парламент қўмитаси бошлиғи Майк Гейпснинг айтишича, «Ал-Қоида» кўплаб майда гуруҳларга бўлиниб кетганлиги боис уларнинг фаолиятини кузатиб бориш жуда мушкул.



— Бизнинг ўйлашимизча, муаммо шундан иборатки, гарчи, баъзи муваффақиятларга эришилган бўлса-да, «Ал-Қоида» аввалгига қараганда катта хавф туғдирмоқда, — деди Гейпс.

---

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**

## Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси томонидан

**2006 йилнинг 4,7,11,14,18,21,25,28 июль ва 1,4,8,11,15,18,22,25,29 август ҳамда 5,8,12,15,19,22,26,29 сентябрь кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига**

**Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори билан аукцион савдоларига чиқарилган, Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган қуйидаги ер участкаларининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқлари қўйилади**

| Объект манзили | Бошланғич баҳоси (сўм) | Қуриладиган мажмуа тури |
|---|---|---|
| **Бектемир тумани** | | |
| Соловьев кўчасида — олтита, ҳар бири 0,02 га.дан | 4 074 268 | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси |
| Ҳ.Бойқаро кўчасида, 0,02 га. | 30 754 268 | Автомобиллар ювиш шохобчаси |
| Лойиҳадаги Г-40,0 м (Ж.Астанов) кўчасида, 0,40 га. | 100 913 468 | Суюлтирилган газ ёнилғи қуйиш шохобчаси |
| Оҳангарон шоҳкўчаси, «Сувчи» даҳасида, 0,03 га. | 5 132 268 | Савдо мажмуаси |
| «Сувчи» даҳасида, 0,015 га. | 1 733 268 | Савдо, маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси |
| «Сувчи» даҳасида — иккита, ҳар бири 0,05 га. дан | 4 276 890 | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси |
| Тошкент халқа йўлида, 0,18 га. | 13 157 468 | Мотел, ресторан |
| Соловьев кўчаси, 0,015 га. | 3 027 324 | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси |
| **Мирзо Улуғбек тумани** | | |
| Матқобилов кўчасида, 0,044 га. | 5 415 628 | |
| Матқобилов кўчасида, 0,036 га. | 4 536 108 | Савдо ва маиший хизмат мажмуаси |
| Матқобилов кўчасида 0,035 га. | 4 426 168 | |
| Қодиров кўчаси, «Феруза» мавзесида, 0,05 га. | 4 614 768 | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари |
| Қодиров кўчаси, «Феруза» мавзесида, 0,08 га. | 6 175 548 | |
| Қодиров кўчаси, «Феруза» мавзесида 2 та, 0,04 га. дан | 2 797 468 | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари |
| **Миробод тумани** | | |
| Тошхўжаев кўчасида, 0,02 га. | 2 561 600 | Минимаркет |
| У.Олимбеков кўчасида, 0,06 га. | 5 250 600 | Чойхона (муҳандислик иншоотларидан масофа сақлаган ҳолда мавжуд дарахтларни сақлаб қолиш шарти билан) |
| Бехтеров кўчасида, 0,045 га. | 30 203 268 | Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва ювиш мажмуаси қуриш учун (муҳандислик иншоотларини кўчириш шарти билан) |
| «Қўйлиқ-3» мавзесида, 0,02 га. | 3 432 300 | Қаҳвахона |
| «Қўйлиқ» даҳаси, 2-мавзеда, 0,20 га. | 22 796 268 | Тўйхона ва гузар |
| Янгизамон кўчасида, 0,02 га. | 3 588 968 | Дўкон ҳамда офис (мавжуд томорқа ва муҳандислик иншоотларини кўчириш шарти билан) |
| Мунис кўчасида, 0,04 га. | 7 479 324 | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси |
| **Сирғали тумани** | | |
| Чоштепа кўчасида саккизта, ҳар бири 0,009 га. дан | 1 499 265 | Ҳунармандлар растаси |
| Сирғали кўчаси, «Сирғали» даҳаси, 3-мавзеда, 0,054 га. | 5 012 208 | Умумий овқатланиш мажмуаси ва дўкон |
| Жанубий саноат ҳудудида, 0,09 га. | 8 907 324 | Савдо ва овқатланиш мажмуалари |
| Мардлик кўчасида, 0,035 га. | 5 090 574 | Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устахонаси |
| Сирғали-14 «Б» мавзесида, 0,34 га. | 20 173 824 | Саноат моллари ва озиқ-овқат дўкони |
| Дўстлик кўчасида, 0,06 га. | 5 295 324 | |
| Файзли кўчасида, 1-сон ер участка, 0,01 га. | 3 053 574 | Савдо, маиший хизмат ва умумовқатланиш мажмуаси |
| Файзли кўчасида, 2-сон ер участка, 0,01 га. | 3 053 574 | |
| Массон кўчасида, 0,01 га. | 2 586 324 | Ошхона |
| «Қўйлиқ» даҳаси, 6-мавзеда 1-сон участка, 0,02 га. | 5 225 324 | |
| «Қўйлиқ» даҳаси, 6-мавзеда 2-сон участка, 0,02 га. | 5 225 324 | Савдо, маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси |
| А.Ахматова кўчасида, 0,022 га. | 7 801 324 | |
| Лойиҳадаги Г-64,0 кўчасида, 0,02 га. | 7 157 324 | Минимаркет |
| Сирғали-2 мавзеси, Лутфикор кўчасида, 0,02 га. | 5 389 824 | Савдо дўкони |
| **Учтепа тумани** | | |
| 25-мавзеда, 0,04 га. | 4 594 068 | Супермаркет |
| 24-мавзеда, 0,22 га. | 20 919 468 | Гузар мажмуаси |
| 23-мавзеда, 0,06 га. | 7 907 268 | Маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси |
| 24-мавзеда, 0,01 га. | 3 660 268 | Минимаркет |
| 24-мавзеда, 0,04 га. | 4 328 268 | Маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси |
| **Чилонзор тумани** | | |
| 16-мавзеда, 0,015 га. | 3 708 108 | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси (муҳандислик иншоотларини кўчириш шарти билан) |
| **Шайхонтоҳур тумани** | | |
| «Жар-Ариқ» кўчасида, саккизта, ҳар бири 0,0216 га. дан | 3 699 687 | Савдо растаси |
| **Юнусобод тумани** | | |
| Мойқўрғон ва Тикланиш кўчалари кесишувида, 0,03 га. | 2 506 470 | Дўкон |
| Мойқўрғон ва Ҳасанбой кўчалари кечишувида, учта, ҳар бири 0,05 га. дан | 4 215 000 | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси |
| «Ҳасанбой» даҳаси, 2-мавзеда, 0,06 га. | 3 592 188 | Савдо-маиший хизмат кўрсатиш ва умумий овқатланиш мажмуаси |
| «Ҳасанбой» даҳаси, 2-мавзеда, 0,04 га. | 3 448 668 | |
| **Ҳамза тумани** | | |
| Ғалабанинг 40 йиллиги даҳасида, 0.02 га. | 3 090 324 | Қаҳвахона |
| Кадишев кўчасида, 0,03 га. | 14 549 324 | Ошхона, қаҳвахона мажмуаси |
| Исмоилов кўчасида, 0,02 га. | 2 362 324 | Маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси |
| Қорасув тор кўчасида, 0.08 га. | 18 105 324 | Ишлаб чиқариш корхонаси |

Ер участкаларини узоқ муддатли ижарага олиш ҳуқуқининг бошланғич нархларига ер участкасини лойиҳалаш учун керакли дастлабки ҳужжатлар тўпламини тайёрлаш харажатлари қўшилган. Ҳужжатлар тўпламига қуйидагилар киради:

1. Ер участкасининг чегараси.
2. Меъморий-лойиҳа вазифалари: АПЗ-I, АПЗ-II.
3. Топографик съемка, масштаб 1:500.
4. Муҳандислик-геологик хулоса.
5. Шаҳарсозлик талаблари ва қуриладиган бино эскизи.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан бир кун аввал соат 18.00 да тўхтатилади.

Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 5% миқдорида закалат пулини «POYTAXT AUKSION» ДУК АТИБ «Ипотека-банки» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани. Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.

**Гувоҳнома № 000815**

---

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

## ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ҲАЗОРАСП ПЕДАГОГИКА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ

2006-2007 ўқув йили учун қабул эълон қилади.

***Коллеж замонавий услубда таъмирланган бўлиб, унга энг сўнгги русумдаги компьютерлар ўрнатилган. Талабалар учун барча қулайликлар яратилган. Коллежда қуйидаги мутахассислар тайёрланади.***

**1. Спорт-тарбия ишларини ташкил этиш йўналиши бўйича:**

а) Мактабгача таълим муассасаларида жисмоний тарбия раҳбари;

б) Тарбиявий ишлар бўйича катта етакчи.

**2. Бошланғич таълим йўналиши бўйича:**

а) Куни узайтирилган гуруҳларда тарбиячи;

б) Тарбиявий ишлар бўйича катта тарбиячи;

в) Вояга етмаганлар билан ишловчи мутахассис.

**3. Мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар йўналиши бўйича:**

а) Тўгарак ишлари раҳбари;

б) Ахборот ва компьютер техникаси;

в) Тўқувчилик, каштачилик ва пазандачилик ишлари;

г) Тасвирий санъат ва бошқа йўналишлар тўгараги ташкилотчиси.

**4. Компьютер ва компьютер тармоқларининг дастурий таъминоти йўналиши бўйича:**

а) Техник дастурчи;

б) Компьютер ва компьютер тармоқларини ишлатиш;

в) Компьютер ва компьютер тармоқлари монтажчиси;

г) Офис жиҳозлари бўйича мутахассис.



**Абитуриентлар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:**

1. Директор номига ариза;
2. Маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусхаси);
3. Тиббий маълумотнома — «086-У» шаклида;
4. 8 дона 3х4 ҳажмдаги фотосурат;
5. Паспорт ёки туғилганлиги ҳақида маълумотнома (нусхаси);
6. Яшаш жойидан маълумотнома.

***Ҳужжатлар жорий йил 20 июлгача қабул қилинади.***

**Манзил: Хоразм вилояти, Ҳазорасп тумани, Е.Гаазов кўчаси 6-уй. Тел: (8362) 33-24-631**

---

## СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

### *ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ*

2006 йил манзилий дастур рўйхатига киритилган:

*— Қумқўрғон тумани марказидаги қишлоқ хўжалиги йўналишидаги касб-ҳунар коллежига ўқув-тажриба хўжалиги мажмуаси қурилиши.*

***Фойдаланишга топшириш муддати — 120 кун.***

*— Қумқўрғон тумани, «Сайхон» ширкат хўжалигидаги Сайхон қишлоқ хўжалиги йўналишидаги касб-ҳунар коллежига ўқув-тажриба хўжалиги мажмуаси қурилиши.*

***Фойдаланишга топшириш муддати — 120 кун.***

*— Денов тумани, Хазарбоғ ширкат хўжалигидаги Хазарбоғ қишлоқ хўжалиги йўналишидаги касб-ҳунар коллежига ўқув-тажриба хўжалиги мажмуаси қурилиши.*

***Фойдаланишга топшириш муддати — 120 кун.***

*— Жарқўрғон тумани «Мингчинор» посёлкасидаги 720/50 ўринли иқтисод йўналишидаги қурилиши тугалланмаган касб-ҳунар коллежи.*

***Фойдаланишга топшириш муддати — 90 кун.***

*Иншоотнинг қурилиш ишлари Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига ажратилган давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.*

**Буюртмачи: Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.**

***Манзили: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй. Тел.: 222-49-71.***

*Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун лицензия ва танлов савдолари предметининг 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатига эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.*

*Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилоят ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:*

***Термиз шаҳар.***
***А.Темур кўчаси, 69-уй,***
***Телефон/Факс: 222-44-76, 222-44-73***

***Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.***

*Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.*

*Оферталарни очиш куни ва вақтигача савдо ташкилотчиси томонидан оферталар қабул қилинади.*

*Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб, 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:* ***Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй.***

# ОЛДИНДА — «ҲАЁТ-МАМОТ ЖАНГИ»

## ёки башорату тахминларнинг чиппакка чиққани ҳақида

Германияда ўтказилаётган жаҳон чемпионати охирлаб қолди. Кўзда тутилган 64 учрашувнинг 60 таси ўтказиб бўлинди. Яна тўртта ўйиндан кейин навбатдаги жаҳон чемпионининг номи маълум бўлади. Лекин катта футбол ҳамиша кутилмаган воқеа ва тасодифларга бойлиги билан мухлисларни лол қолдириб келади. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Хусусан, жаҳон чемпионатида илк марта иштирок этган Украина терма жамоасининг чорак финалга чиқиши ҳам ана шундай воқеалардан бири бўлди, дейиш мумкин. Бу жамоа уч карра жаҳон чемпиони бўлган Италия футболчиларига қарши ўйнади. Тўғрисини айтганда, ўйин бошидаёқ итальян Замбротта ҳисобни очиб қўймаганда, украинлар ярим финал сари одимлашлари мумкин эди. Ана шу ягона тўп уларнинг руҳларини тушириб юборди чоғи. Танаффусдан кейин 59- ва 69-дақиқаларда Тони киритган тўплар Италияни ярим финалга олиб чиқди.



Майдон эгалари — Германия ва Аргентина жамоалари ўртасидаги учрашув ҳам қизғин ва муросасиз давом этди. 49-дақиқада Роберто Айяла ҳисобни очиб, Аргентина жамоасини олдинга олиб чиқди. 80-дақиқага борганда Боровски бош билан оширган тўпни Клозе дарвозага йўллади ва ҳисоб тенглашди. Қўшимча 30 дақиқали учрашувда ҳам ҳисоб ўзгармади. Шундан кейин 11 метрли жарима тўплари тепиш бошланди. Дарвозани аниқ нишонга олишда майдон эгаларининг омадлари келди. Немислардан Оливер, Баллак, Подольски, Боровски маҳорат кўрсатган бўлишса, Аргентина жамоасидан фақатгина Крус билан Родригес тўп кирита олишди. Шу тариқа германиялик футболчилар 4:2 ҳисобида ғалаба қозониб, ярим финалга чиқди.

Англия — Португалия футболчилари ўртасидаги учрашув тақдири ҳам 11 метрли жарима тўплари тепиш орқали ҳал бўлди. Бу ўйиннинг бошидан охиригача португаллар шиддат ва маҳорат кўрсатдилар. Машҳур футболчи Эйсебионинг издошлари чемпионликка даъвогар эканликларини амалда намойиш этишди. Инглизлардан Руни билан Бекхэмнинг ҳаракатлари ҳам иш бермади. Дарвозалар дахлсиз қолди. 11 метрли жарима тўплари тепиш бўйича португалларнинг омади келиб, 3:1 ҳисобида ғалабани илиб кетишди.

Чемпионат бошиданоқ жуда кўп мухлислар бразилияликлар бу гал ҳам ғолиб бўлади, дейишганди. Беш карра чемпион бўлган бу жамоанинг бош мураббийи Паррейра: «Ҳар бир учрашув осон кечмаяпти. Лекин биз учун асосий манзил — финал» деган бўлса, моҳир футболчи Рональдо ҳам: «Асосий мақсадимиз — финал», дея башорат қилган эди. Шунга ўхшаш ўзимизнинг футбол мутахассиси Рустам Акрамов: «Бразилияга тактика, техника, жисмоний тайёргарлик эмас, руҳий ҳолат панд бериши мумкин» деган бўлса, Биродар Абдураимов: «Бразилияликлар ҳар галгидек Европада ўтказиладиган баҳсдан қуруқ кетиши мумкин», деган фикрларни билдирган эдилар. Мухлислар ўртасида Бразилиянинг Гана билан учрашуви чемпионларга панд бериши мумкин, деган фикрлар юрарди. Гап шундаки, беш карра жаҳон чемпионлари илгари ҳам Африка жамоалари билан икки ўйин ўтказиб, жаҳон чемпиони бўлолмай қолишган. Хусусан, 1974 йили Бразилия — Зоир билан ўйнаган (3:0). Улар кейинги босқичда голландияликларга рўбарў келганлар ва Бразилия ютқазган. Яна 12 йил ўтгач, Мексика чемпионатида Пеле юртдошлари Жазоирни ютишган. Афсуски, ўшанда ҳам бразилияликлар ярим финалда Франция терма жамоаси билан ўйинда 11 метрли жарима тўплари тепиш бўйича имкониятни бой берган. Умуман, Бразилия учун Франция ноқулай жамоа бўлиб қолмоқда. Чунки, 1998 йили Францияда ўтказилган жаҳон чемпионати финалида ҳам Бразилия футболчилари мағлубият аламини тортган эди. Мана, бу жамоалар яна ўзаро рўбарў бўлишди. Французлар танаффусгача дарвозани нишонга олишлари мумкин эди. Бироқ ҳисоб очилмади. Ўйиннинг иккинчи қисмида ҳам французлар бўш келишмади. Хавфли ҳолатларни юзага келтиравердилар. Ва ниҳоят 57-дақиқада бу ҳаракатлар ўз самарасини берди. Анри ҳисобни очди. Шу ягона тўп французларни ярим финалга олиб чиқди.

Шундай қилиб, тўрт жамоа чемпионлик орзусида турибди. Бугун ярим финалда Германия — Италия жамоалари учрашса, эртага Португалия — Франция футболчилари майдонга тушадилар.

**Ҳайдар НОСИРОВ, Равшан ШОДИЕВ**

---

# ИЛТИЖО

(Футбол бўйича XVIII Жаҳон чемпионатини томоша қилиб)

*Мен фанат эмасман, фантаст ҳам эмас,*
*Шукрким ўзимда эс-ҳушим, ўйим.*
*Лек, экран олдида айлади сармаст,*
*Миллион мухлисни «михлаган» ўйин.*

*Тикилганим сари бор-борлиғимдан*
*Ҳавасми, ҳасадми бир туйғу ўтар.*
*Кун бўйи карахтлик — бедорлиғимдан*
*Каллам копток каби узилиб кетар...*

*Ана, чавгон мисол учмоқда давр,*
*Ҳимоя кутмоқлик мушкулдир ғоят.*
*Ана, асрларга дўнмоқда сабр,*
*Узайиб «ўйиндан ташқари ҳолат».*

*Ана, бир аждодим хаёлга толиб,*
*Чизмоқда Ер шарин андазасини.*
*Ва яна бир бобом тўпгами солиб,*
*Мўлжалга олди Ғарб дарвозасини.*

*Ана... воҳ, тарихни тўзғитар шовқин,*
*Бугунга қайтарар янграган бир «Гол!!!»*
*Баҳам кўрмоқ учун занжининг завқин*
*Уялмай ўғлимга узатаман қўл.*

*Ҳар қалай, отдошим Зайниддин Зидан...*
*Юз-кўзи ўзимга ўхшайди Оно...*
*ТОБАГО қаерда, ТОГОси қайда?*
*Қайси мадрасани битирган ГАНА?*

*Ҳали уй қурмасдан, қорни тўймасдан,*
*Тўп тепишни «тешиб» қўйганга қуллуқ.*
*Давлати довруғин дунёга достон*
*Этиб, элга қўшиб қўйганга қуллуқ.*

*Бу — Кака, бу — Кафу, тулпорга ўхшаш*
*Рональдинё — бу, бу-чи — Рональдо...*
*Гарчанд юртларининг номлари уйқаш*
*«Барзанги», «Бари зўр» эмас ҳар ҳолда.*

*Ўзига ўзи бек эрлар диёри,*
*Улуғлар ўлкаси — муқаддас маъво,*
*То абад сўнмасин алпларинг ори*
*Дуо қил, фотиҳанг бўлур мустажо(б):*

*«Авлиёлар руҳи қўллагай ишон,*
*Жаҳд ила жазм эт, кўкрагингни кер!»*
*Биргина илтижо: — Ватан — Онажон,*
*Ўн нафар тўптепар ўғил туғиб бер.*

**Ҳол Муҳаммад ҲАСАН**


**ЭЪЛОН!**

*Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети қабул комиссияси «Ўзбекистон овози» газетасининг 2006 йил 22 июнь сонидаги 2006-2007 ўқув йили учун қабул тўғрисидаги эълонига қуйидагича тузатиш киритилганини маълум қилади:* ***«Махсус сиртқи бўлимларда бакалавр тайёрлаш бўйича»*** *қисмидаги* ***«касбий таълим: иқтисодиёт йўналиши*** *ўрнига* ***касбий таълим: техник соҳалар йўналиши» бўйича*** *қабул эълон қилади.*

**СамДУ қабул комиссияси**

ТОО «ШЫМКЕНТ-ПИВО» *сообщает о намерении приобрести акций «Lazzat QIChAL» OAJ QK расположенное по адресу: Таш.обл., Янгиюл 8, ул.Лаззат, дом 1, в количестве 2496413 штук, что составляет 99,0% от уставного фонда.*


Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилояти кенгаши Муборак тумани ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси, партия фаоли Панжи Аллақуловга волидаи муҳтарамаси **Кумуш момо РАЖАБОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти жамоаси Ижтимоий йўналишдаги республика махсус гимназияси директори Гуландом Субхановага акаси **Омонқул СУБХАНОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.


ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

# ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ОЛМАЛИҚ САНОАТ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ

2006-2007 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

***Коллеж 2004 йилда замонавий услубда таъмирланган бўлиб, унга энг сўнгги русумдаги жиҳозлар ўрнатилган, 900 ўринли бинода талабалар учун барча қулайликлар яратилган.***

***Касб-ҳунар коллежида қуйидаги мутахассисликлар тайёрланади:***

1. Технологик машиналар ва жиҳозларга хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш;
2. Қора ва рангли металларни эритиш ва қуйиш (рус ва ўзбек гуруҳ);
3. Автоматик воситаларга хизмат кўрсатиш ва фойдаланиш (рус ва ўзбек гуруҳ);
4. Электр тармоқлари ва электр жиҳозларини ишлатиш;
5. Кимёвий технология ва ишлаб чиқариш;
6. Фойдали қазилмаларни бойитиш;
7. Тоғ-кон қидириш ишлари;
8. Бурғулаш ишлари;
9. Хўжалик ҳуқуқий фаолияти;
10. Молия (рус ва ўзбек гуруҳи);

***Амалиётни ўташ учун коллеж ҳудудида замонавий технологиялар билан таъминланган устахоналар мавжуд.***





**Абитуриентлар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт:**

1. Директор номига ариза;
2. Маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусхаси);
3. Тиббий маълумотнома 086-У шаклида;
4. 6 дона 3х4 ҳажмдаги фотосурат;
5. Паспорти ёки туғилганлиги ҳақида маълумотнома (нусхаси);
6. Яшаш жойидан маълумотнома;
7. Ҳарбий билет ёки чақириққа алоқадорлиги тўғрисидаги гувоҳнома (ў/б учун).

***Ҳужжатлар қабул қилиш муддати 20 июндан 1 августгача.***

**Манзил: Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 56С-уй. Тел.: (8261) 4-23-77, 4-42-47.**



Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги

# «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси

**2006 йилнинг 4,7,11,14,18,21,25,28 июль ва 1,4,8,11,15,18,22,25,29 август ҳамда 5,8,12,15,19,22,26,29 сентябрь кунлари аукцион савдоларини ўтказади**

**Савдоларга қуйидаги объектлар ва автотранспорт воситалари қўйилади:**

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК Тошкент фуқаро иншоотлари ва сув таъминоти дистанциясига қарашли Миробод тумани, А.Фитрат кўчаси, 33/1-уйда жойлашган бинонинг сатҳи 116 кв.м.га тенг бўлган қисми.

**Бошланғич нархи — 4 714 300 сўм.**

Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Отчопар кўчаси, 60-уйда жойлашган, майдони 5 955 кв.м. бўлган «Тошқишлоқмаш» ОАЖга қарашли алюминий қуйиш цехининг бино ва иншоотлари.

**Бошланғич нархи — 200 129 800 сўм.**

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Шарофобод кўчаси, 5-уйда жойлашган Ш.Рашидов номидаги халқаро жамғарманинг 1991 й. и/ч, д/р 10АХ 444 бўган «УАЗ-3303» русумли а/в.

**Бошланғич нархи — 1 709 676 сўм;**

Ҳамза тумани, Элбек кўчаси, 61-уйда жойлашган «ТАПОиЧ» ДАЖнинг 1989й. и/ч, д/р 10 AZ 040 бўлган «ГАЗ-5312» русумли а/в.

**Бошланғич нархи — 1 919 600 сўм.**

Чилонзор тумани, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 45-«А» уйда жойлашган ЎзР Иқтисодиёт вазирлиги маъмурий биносидан фойдаланиш бошқармасининг 1996 й. и/ч, д/р 10AR 679 бўлган «ГАЗ-31029» русумли а/в.

**Бошланғич нархи — 2 710 956 сўм.**

**Юнусобод тумани, Амир Темур кўчаси, 108-уйда жойлашган Тошкент Ахборот технологиялари университетининг қуйидаги автотранспорт восталари:**

— 1988 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10AQ 884 бўлган «ГАЗ-5205» русумли а/в.

**Бошланғич нархи — 637 200 сўм.**

— 1983 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10АЕ 194 бўлган «Москвич фургон М-2137» русумли а/в.

**Бошланғич нархи — 376 800 сўм.**

— 1986 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10AS 255 бўлган «ГАЗ-2410» русумли а/в.

**Бошланғич нархи — 672 000 сўм.**

— 1981 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10АС 823 бўлган «УАЗ-452» русумли а/в.

**Бошланғич нархи — 648 000 сўм.**

— 1985 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10АХ 446 бўлган «УАЗ-3151201» русумли а/в. **Бошланғич нархи — 1 050 840 сўм.**

Ҳамза тумани, С.Машҳадий кўчаси, 186-уйда жойлашган «O`ZBEKISTON SHAMPANI» ОАЖнинг 1993 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10 AZ 216 бўлган «ГАЗ-3307» а/в.

**Бошланғич нархи — 1 800 000 сўм.**

**Ҳамза тумани, Мусахонов 2-тор кўчаси, 33-уйда жойлашган «TOSHKENTDONMAHSULOT» ОАЖга қарашли қуйидаги автотранспорт воситалари:**

— 1995 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10ВВ 602 бўлган «ГАЗ-31029» а/в. **Бошланғич нархи — 1 500 000 сўм.**

— 1989 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10ВВ 539 бўлган «ТАРЗ-002Б» а/в. **Бошланғич нархи — 1 912 000 сўм.**

Чилонзор тумани, Халқлар Дўстлиги кўчаси, 49-уйда жойлашган «7-AVTOKORXONA» ОАЖнинг 1991 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10AI 734 бўлган «ГАЗ-2411» а/в. **Бошланғич нархи — 880 807 сўм**

Юнусобод тумани, Ж.Обидова кўчаси, 151-уйда жойлашган «Suvsoz qurilish» шўъба корхонасининг 1996 йилда ишлаб чиқарилган «ЭО-3221 Экскаватор» русумли а/в. **Бошланғич нархи — 8 000 000 сўм**

**Юнусобод тумани, Ш.Рашидов кўчаси, 11-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Ишлар бошқармаси автохўжалигининг:**

— 1988 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10AV 101 бўлган «УАЗ-3303-01» русумли а/в.

**Бошланғич нархи — 516 715 сўм**

— 1988 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10АХ 909 бўлган «ИЖ-2715» русумли а/в.

**Бошланғич нархи — 572 090 сўм**

— 1980 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10АА 946 бўлган «УАЗ-452М» русумли а/в.

**Бошланғич нархи — 759 087 сўм**

**Ҳамда савдоларга Тошкент шаҳар ҳудудида жойлашган якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган қуйидаги ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик ҳуқуқи қўйилади:**

*Шайхонтоҳур тумани:*

— Қозиробод 2-тор кўчасида, сатҳи 0,017га. бўлган ер участкаси. **Бошланғич нархи — 571 200 сўм.**

— «Қоратош» даҳаси, Чақар маҳалласи, Кураш кўчасида, сатҳи, 0,025га. бўлган ер участкаси. **Бошланғич нархи — 1 988 000 сўм.**

— Каттабоғ 7-тор кўчасида, сатҳи 0,012га. бўлган ер участкаси. **Бошланғич нархи — 454 608 сўм.**

*Юнусобод тумани:*

— Соҳибкор кўчасида, сатҳи 0,04га. бўлган иккита ер участкаси. **Ҳар бирининг бошланғич нархи — 1 804 800 сўмидан;**

— Орифов кўчасида, сатҳи 0,03га. бўлган ер участкаси. **Бошланғич нархи — 1 169 280 сўм;**

— «Ҳасанбой» даҳаси, 1-мавзеда, сатҳи 0,04га. бўлган ер участкаси. **Бошланғич нархи — 946 400 сўм;** 2-мавзеда, сатҳи 0,03га. бўлган ер участкаси. **Бошланғич нархи — 709 800 сўм;** сатҳи 0,025га. бўлган ер участкаси. **Бошланғич нархи — 591 500 сўм;**

— А.Дониш кўчасида, сатҳи 0,015га. бўлган ер участкаси. **Бошланғич нархи — 493 200 сўм;**

*Мирзо Улуғбек тумани:*

— Ҳасанбоев кўчасида, сатҳи 0,015га. бўлган ер участкаси. **Бошланғич нархи — 330 120 сўм;**

— Устабоев кўчасида, сатҳи 0,0085га. бўлган ер участкаси. **Бошланғич нархи — 131 733 сўм;**

— Ҳ.Абдуллаев кўчасида, сатҳи 0.04га.дан бўлган учта ер участкаси. **Ҳар бирининг бошланғич нархи — 1 372 800 сўмдан;** сатҳи 0,03га. бўлган ер участкаси. **Бошланғич нархи — 1 029 600 сўм;**

— Олмачи кўчасида, сатҳи 0,04га.дан бўлган иккита ер участкаси. **Ҳар бирининг бошланғич нархи — 1 716 000 сўмдан** сатҳи 0,02га. бўлган ер участкаси. **Бошланғич нархи — 858 000 сўм.**

**Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10% миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» ДУК АТИБ «Ипотека-банк»и Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.**

**Аризалар қабул қилиш ер участкаларига савдодан уч кун аввал, қолган объектлар учун савдодан бир соат аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11.00 да бошланади.**

**Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.**

**Мурожаат учун телефонлар: 133-23-40, 133-02-49.**

**Гувоҳнома № 000815**



**BOSH MUHARRIR:**
**Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY`ATI:**
**Abdulla ORIPOV**
**Latif G`ULOMOV**
**Asliddin RUSTAMOV**
**Ashur QODIROV**
**Bobir ALIMOV**
**Farruh HAMROYEV** (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
**Alimqul SULTONOV** (Bosh muharrir o`rinbosari)
**Andrey ORLOV** (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
**Norbobo SHAKAROV**
**Nomoz SA`DULLAYEV**
**To`lepbergen QAIPBERGENOV**
**Muslihiddin MUHIDDINOV**
**Olim MURODOV**
**Abdug'ani MAMASODIQOV** (Mas'ul kotib)

**MUASSIS:**
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**
**Siyosat, partiya va xalqaro hayot** 133-10-13
**Ma`naviyat va ma`rifat** 133-69-45
**Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot** 133-20-36
**Parlament va huquq** 136-76-21
**Ekologiya va salomatlik** 133-44-55
**Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik** 133-21-43
**Xatlar va ommaviy ishlar** 133-12-56 (Tel. Faks)
**Mas`ul kotib** 133-72-83
**Reklama va e`lonlar** 133-38-55, 133-47-80

**VILOYAT MUXBIRLARI:**
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

**MANZILIMIZ:**
**700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.**
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: **Alisher RO`ZIYEV**

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: **Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG`ATOV**

**«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.**
**Korxona manzili:** Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

*Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.*
***Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.***
**Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.**


**«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.**


Г — 952
*7235 nusxada bosildi*
*t — Тижорат материали*
O`zA yakuni — 21.10
Topshirish vaqti — 21.45
1 2 3 4 6
**Sotuvda erkin narxda**